

ИКТИСОДИЁТ
ВА
ТАЛЬИМ

1
—
2013



р
и
з

и,
7

и,
б
р
и
н

м
к
а
а
и

б
и
н
и

н
и
н
г

ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ илмий журнали 2000 йилдан бошлаб чиқа бошлаган.

1
2013

ТАЪСИСЧИ
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Тахрир кенгаши раиси: и.ф.д., проф. Ваҳобов А.В.

Тахрир ҳайъати:

и.ф.д., проф. Ходиев Б., и.ф.д., проф. Бегалов Б., и.ф.д., проф. Абдураҳмонов Қ.,
и.ф.д., проф. Алимов Р., и.ф.д., проф. Ахунова Г., и.ф.н., доц. Аҳмедов И.,
Абдуллаев А., и.ф.н., доц. Гадоев Э., академик Ғуломов С., Назаров Н., и.ф.д.,
проф. Назарова Ф., Саидахмедов Ф., и.ф.д., проф. Ҳасанов Б., и.ф.д., проф.
Холмўминов Ш., и.ф.д., проф. Рахимова Д., и.ф.д., проф. Иминов О., и.ф.д., проф.
Қодиров А., и.ф.д., проф Шодмонов Ш.

Бош муҳаррир: и.ф.д., проф. Иватов И.

Тошкент Давлат иқтисодиёт
университетининг «Иқтисодиёт»
нашриёти томонидан нашрга тайёрланган.

ISSN 2010-6130

Журнал Тошкент шаҳар Матбуот ва
ахборот бошқармасида 02-0041-рақами
 билан рўйхатга олинган.

© Иқтисодиёт ва таълим, 2013.

ТОШКЕНТ

МУНДАРИЖА

	I. ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ	
Махмудов Э.	Созидательный потенциал науки.....	4
Абдураманов Х.	Ўзбекистон Республикасида демографик ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш.....	7
Холов Ж.	Кулай тадбиркорлик муҳити шаклланиши ва ривожланишининг назарий асослари.....	11
Хайтов А., Акбаров А.	Аҳоли бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	15
	II. ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР	
Эрназаров О.	Худудий саноат ишлаб чиқаришини модернизациялашнинг аҳоли турмуш фаровонлигидаги ўрни.....	19
Акбаров Н.	Инновация сиёсати самарадорлигини оширишда маркетингнинг роли.....	22
Эрназаров F.	Шаҳар коммунал хўжалигидаги иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизими кувватларини модернизациялаш.....	25
Атаниязов Ж.	Финансово-промышленные группы – основа инновационной экономики в условиях глобализации.....	29
Исмаилов Д.	Республика худудларида инвестиция жозибадорлигини ошириш ва уларни баҳолаш услубиётини такомиллаштириш.....	33
Рустамов Н., Джураев А.	Саноатни инновацияли ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш.....	37
Хомидов С.	Саноатда инновация ва ишлаб чиқариш омилларини эконометрик моделлаштириш.....	40
	III. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Юсупова Ш., Юлдашева И.	Корхона экспорт салоҳиятини ривожлантиришида лизинг операцияларининг аҳамияти.....	44
Мирзаев К.	Агросервис самарадорлигини баҳолаш методологияси.....	47
Сафаров Б.	Туристик кластердаги инновацион жараёнлар бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизми.....	51
Алимова М.	Ўзбекистонда туризм бозори ривожланишининг асосий динамик ва таркибий тенденциялари.....	54
Улутмуродова Н.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқда ижтимоий меҳнат муносабатларнинг назарий асослари.....	58
	IV. МОЛИЯ ВА БАНК	
Абдураупов Р.	Кўшма корхоналар фаолиятини молиялаштиришида молиявий леверидждан фойдаланиш услублари.....	62
Парниев Б.	Тижорат банкларида маркетинг хизмати самарадорлигининг иқтисодий аҳамияти.....	67
Холбеков Р.	Бухгалтерия ҳисоби ҳизмати ва унинг ҳисобини ташкил этиш.....	71
Абишов М., Адильчаев Р.,	Кўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни ривожлантириш.....	74
Кутлымуратова Г.	The role of electronic commerce in the financial market.....	77
Odilov F.		
	V. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	
Абдусалямов Ф.	Халқаро тадбиркорлиқда йирик бизнесни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	82

*Саноатни инновацияли ривожлантириши асосида
аҳоли турмуш даражасини ошириши*

Мақола саноат корхоналарида инвестицион дастурларни самарали амалга ошириш натижасида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш масалаларига бағищланган.

Статья посвящена вопросам повышения уровня жизни населения на основе эффективного использования инвестиционной программы на предприятиях промышленности.

The article is devoted to improving the living standard of population based on investment program effective use in the industrial enterprises.

Калитли сўзлар: саноат корхоналари, инновация, инвестициялар, инвестиция дастури, аҳоли турмуш даражаси, самарадорлик.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади бўлиб, унга иқтисодиётнинг турли тармоқларини, жумладан, саноатни ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Саноатни ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишга бир қатор тадбирларни амалга ошириш орқали эришлади. Буларга саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, корхоналарни модернизациялаш ва диверсификациялаш, янги ишчи ўринлари яратиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналарга инвестиция киритиш ва аҳолининг бўш пул маблагларини соҳани ривожлантиришга жалб этиш кабилар киради.

Саноатни ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналиши тармоқда соҳадаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш хисобланади. Таркибий ўзгаришлар иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари таркибида олдинги тизимдан қолган номутаносибликларни юмшатиш ёки бартараф этишга йўналтирилган тадбирлардир. Иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгаришиш – миллий манфаатларни таъминловчи, иқтисодий ўсишга йўл берувчи ва аҳоли фаравонлиги ошишига олиб келувчи янгича ишлаб чиқариш тузилмаси яратилишидир.

Бугунги кунда саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилмоқда. Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизациялаш бўйича тармокнинг ҳудудий дас-

тури ишлаб чиқилиб, унда етакчи саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий андазаларига ўтиш, тежамкор ва самарали технологияларни қўллаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз саноатида таркибий ўзгаришлар давом эттирилиши баркарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётта эришишнинг муҳим омили хисобланади. Иқтисодиёт nochor аҳволдаги корхоналар фаолиятини яхшилаш йўналишларидан бири уларнинг таркибий тузилишини диверсификациялаш, мазкур корхоналар бошқа тармоқлар маҳсулот ишлаб чиқаришини ва хизмат кўрсатишиларини ўзлаштириб, бошқа тармоқлар билан фаолиятини мувофиқлаштириши лозим.

Ўзбекистонда саноатни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида галирганд, уларнинг энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакатимизда 2011 йилда кўрилган амалий чоралар натижасида бир миллионга яқин янги иш ўрни яратилди, улардан 640 мингга яқини ёки 64 фоизи кичик бизнес соҳасига тўғри келади. 2011 йилда Бухоро вилоятида 73363 та янги ишчи ўринлари яратилди, шундан 38585 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш хисобидан ташкил этилди. Бунинг яна бир аҳамиятли томони, янги иш ўринларини яратишнинг ўзига хос механизмларининг таркиб топганилиги ва унинг

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

бир қатор йўналишлар бўйича изчил амалга оширилаётганлигидир.

Саноатни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги саноат таркибий тузилишини диверсификация қилиш жараёнида йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқалари асосидаги касаначиликни ривожлантириш билан боғлиқ. Ўзбекистонда касаначиликни ривожлантириш мамлакат Президенти томонидан 2006 йилнинг 5 январида қабул қилинган “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўргасидаги кооперацияни кенгайтиришни рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3706 сонли фармон асосида амалга оширилмоқда.

Касаначиликни ривожлантириш саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим тадбирларидан бири бўлиб, у бир қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қиласди.

2011 йилда республикада касаначилик ҳисобидан 280 мингта янги ишчи ўринлари яратилди, шу жумладан, Бухоро вилоятida

14874 та ишчи ўринлари ташкил этилди.

Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш асосида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш тадбирларидан яна бири саноат соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш хисобланади. Бухоро вилоятida 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” худудий дастури ижросини таъминлаш орқали бу йўналиш бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, вилоятда саноат соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантириш учун 27509,1 млрд. сўм ва 15,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ажратилди? Мамлакат ҳукумати томонидан саноат соҳасидаги тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, саноат соҳасидаги тадбиркорлик учун ягона солиқ ставкаси 2011 йилдаги 6 %дан 2012 йилда 5 %га туширилди.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва шу асосида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш йўлларидан бири саноат корхоналарига киритиладиган инвестицияларни кўпайтириш ва инвестицион дастурларни самарали амалга ошириш хисобланади.

Жадвал

Бухоро вилоятидаги саноат тармоқларига инвестициялар жалб этилиши (млн. сўм)

Саноат тармоқлари	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2011 й.да 2007 й. га нис-н, %
Электрэнергетика	2003,8	2406,1	3171,6	1733,0	5190,6	259,0
Нефтни кайта ишлаш саноати	6129,0	12072,5	14057,2	16741,5	10400,4	169,7
Газ саноати	423677,6	124176,4	143763,8	171547,5	533324,8	125,8
Машиноззилик ва металлургия	2599,4	28507,9	3902,6	19417,0	28253,9	10,8 баробар
Енгил саноат	6150,4	34910,8	26209,8	9114,3	21053,0	342,3
Озиқ-овқат саноати	9912,6	5498,3	4582,3	5380,1	10484,5	105,7
Бошкалар	9406,6	1202,9	21209,9	67192,6	20638,2	219,4
Жами:	459879,4	208774,9	216897,2	291126,0	629345,4	136,8

Мамлакатимизда 2014 йилгача муддатга мўлжалланган инвестициялар дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурда саноат тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатнинг янги марраларни эгаллашга кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топди.

Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг худудий хусусиятларини эътиборга олиб, минтақаларни табиий ва меҳнат ресурслари, мавжуд ишлаб чиқа-

риш салоҳияти, ишлаб чиқаришнинг ихтинослашишга мойиллиги ва инфратузилмани хисобга олиб, худудий концепциялар ишлаб чиқилмоқда. Бу давлат томонидан худудлар ҳаёт даражасини тенгглаштириш орқали ягона инвестицион сиёsat юритилаётганини билдиради. Инвестиция киритиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси кўрсатадики, ишлаб чиқаришни “оғир” технологик линиялар билан эмас, балки қисқа ва тез янгилана-диган, бозор талабларини тез ўзлаштира оладиган “эгилувчан” ишлаб чиқариш линиялари билан қуроллантириш устувор йўналиш бўлиб бормоқда. Инвестициялар

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

йирик саноат марказлари бўлган шаҳарларда мас, балки фойдаланилдиган хом ашё ва меҳнат ресурслари мавжуд бўлган худудларга йўналтирилмоқда. Бу каби устувор шуналишлар худудий инвестицион дастурларни ишлаб чиқишида инобатга олинини лозим.

Бухоро вилоятида худудий инвестиция дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда келтирилган саноат корхоналарига инвестициялар жалб этишининг асосий кўрсаткичлари жадвал келтирилади.

Инвестицион фаолиятнинг муҳим шартларидан бири унинг қайси маблағлар ҳисобидан амалга оширилишидир. Бозор муносабатларига ўтишининг дастлабки йилларида инвестициялар фақат давлат маблағлари ва давлат капитал қўйилмаларини ўзлаштириш ҳисобига, чет эллардан давлат кафолати остида ёки бевосита корхоналар кафиллиги асосида жалб қилинди. Инвестицияларнинг асосий манбалари давлат бюджети маблағлари бўлиб келди. Иқтисодий тараққиётнинг замонавий босқичида аксарият ишлаб чиқариш тармоқлари ўз маблағлари ҳисобига инвестицион фаолиятни ташкил этиши керак. Шунингдек, аҳолининг бўш пул маблағларини саноат корхоналарига инвестиция сифатида киритишга эътибор қаратиш лозим. Аҳоли жамғармалари бутун дунёда инвестицияларнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Ўтган асрнинг 60-80 йилларида аҳоли жамғармалари улуши энг юқори бўлган давлатлар (Япония - 20 %, Германия, Франция, Италия - 11-12 %) катта ўсиш суръатларига эришди. Аҳоли турмуш даражасини ошириш аҳолининг ўзига боғлиқ эканини халқимиз тушуниб боряпти. Мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов уқтирганидек, “Мустақилликнинг дастлабки йилларида одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши, хаётга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Турмуш даражаси, оиласининг фаронлиги, энг аввало ўзига боғлиқ эканлигини тушуниб етаётган одамлар тобора кўпайиб бормоқда. Тараққиётимизнинг бу-

гунги босқичида инсон омили жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи қурдатли кучга айланди. Унинг янада ривожланиши ва янги кирраларнинг очилиши барча учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ҳар бир кишининг ташабbus кўрсатиши учун кенг имконият яратиш талаб этилди”[1].

Аҳоли томонидан киритиладиган инвестициялар олинган даромаднинг истеъмол ва жамғармага тақсимланишига боғлиқ. Аҳолининг даромади паст бўлганда унинг асосий қисми истеъмолга сарфланади. Даромад ўсиб бориши билан жамғаришга юбориладиган қисми ошиб боради. Умумий даромад таркибида жамғариш улушкининг ошиб бориши аҳоли киритадиган инвестициялар ўшишига олиб келади ва аксинча.

Бу борада мамлакатимизда муайян тадбирлар олиб борилаяпти, ҳиссадорлик жамиятлари акцияларининг маълум қисми меҳнат жамоасига ёки эркин сотувда аҳолига сотилаяпти. Лекин, бу фаолиятни бугунги кун талаблари асосида баҳолаб, қониқарсиз эканлигини айтиш мумкин. Президент таъбири билан айтганда, “Мамлакатимиздаги деярли барча ишлаб чиқариш объектлари акциядорлик компаниялари принципи бўйича ташкил этилган, аммо улар ўз мақомига қай даражада мос ҳолда фаолият юритмоқда ва ўз хуқуқларидан қандай фойдаланмоқда, деган савонни ўзимизга бериб кўрайлик. Акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун яна қандай механизмларни ҳаракатга келтириш зарур? Шу муносабат билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, хуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим... “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида” ва бошқа янги қонунлар яратилиши керак”[2].

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-тировард мақсадимиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2000. 363-б.
2. Каримов И.А Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириши концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010, 50-б.